

№ 88 - сонли
ОБУНА ШАРТНОМАСИ

Нукус шахри
(шартнома тузилган жой)

2022 йил «26» декабр

“Қораузак тумани ирригация бўлими” номида Устав асосида иш юритувчи бошлиғи **Б.Қосыбаев**, кейинчалик “Ташкилот” деб юритилувчи бир томондан ва Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Ижрочи” деб юритилувчи “NEWS UZ” масъулияти чекланган жамияти номидан иш кўрувчи жамият директори **А.Бердимбетова** иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Ижрочи” “Ташкилот”га обуна каталогига киритилган Ўзбекистон Республикаси ва Хорижий давлатлар даврий нашрларига обуна расмийлаштириш (кейинги ўринларда “Хизматлар” деб юритилади), расмийлаштирилган обуна нашрларини нашрларнинг даврий чиқиши белгиланган муддатларда Ташкилот манзилига етказиб бериш, “Ташкилот” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Газета ва журналнинг номи	Ўлчов бирлиги	Каталог баҳоси	Устамаси	ККС	Тўлов баҳоси
1	Халк сўзи газетаси	6 ой	350 000			350 000
2	Народное слова	6 ой	350 000			350 000
3	Овози тожик газетаси	6 ой	394 812			394 812
4	Қишлоқ хаёти	6 ой	263 000			263 000
5	Ўзб қишлоқ ва сув хўж.	6 ой	286 560			286 560
6	Ирригация ва мелиорация жур.	6 ой	211 200			211 200
7	Янги Ўзб. газета	6 ой	605 000			605 000
8	Агро News	6 ой	315 000			315 000
9	Еркин Қарақалпақстан	6 ой	276 000			276 000
10	Вести Қарақалпақстан	6 ой	276 000			276 000
11	Амударья журнал	6 ой	205 813			205 813
12	Хуқук газета	6 ой	257 400			257 400
13	Агро илим	6 ой	194 400			194 400
14	Инсон ва конун	6 ой	207 125			207 125
	Жами:					4 192 310

“Хизматлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек, уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган спецификацияда келтирилади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. “Ташкилот”нинг ҳуқуқлари:

“Хизматлар” “Ижрочи” томонидан етказиб берилмаган тақдирда, Ташкилотнинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатлари копланишини талаб қилиш;

“Ижрочи”дан мазкур шартномага мувофиқ етказиб бериладиган обуна нашрларини буюртманомга мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

“Хизматлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини “Ижрочи”дан талаб қилиш;

2.2 “Ташкилот”нинг мажбуриятлари:

Ўз спецификацияси бўйича етказиб берилган обуна нашрларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиб олиш;

Обуна нашрлари учун мазкур шартноманинг 3.1 – бандида кўрсатилган нарх бўйича олдиндан 100 (юз) фоиз тўловни амалга ошириш.

2.3 “Ижрочи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Етказиб бериладиган обуна нашрлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил - кесил ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилиш;

Берилган буюртмага мувофиқ етказиб берилган обуна нашрларини қабул қилиш, асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини “Ташкилот”дан талаб қилиш.

2.4 “Ижрочи” қуйидагиларга мажбур:

“Ташкилот”га обуна нашрларини мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

“Ташкилот” буюртмасида белгиланган обуна нашрларини ўз вақтида етказиб бермаганлиги оқибатида “Ташкилот”га етказилган зарарни тўлаб бериш.

3. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **4 192 310 (Турт миллион бир юз туксон икки минг уч юз ун) сум 00т.**

(сумма рақамлар ва харфлар билан ёзилади)

сўмни ташкил этади. Етказиб бериладиган обуна нашрларининг рўйхати ва умумий баҳоси мазкур шартнома спецификациясида кўрсатилган.

3.2 “Ташкилот” етказиб бериладиган обуна нашрлари туркуми суммасининг 100 (юз) фоизи миқдорда “Ижрочи”га олдиндан ҳақ тўлайди. Мазкур шартномада келишилган барча хизматлар бажарилганидан сўнг, томонлар ўртасида етказиб берилган обуна нашрлари учун қабул қилиш – топшириш далолатномаси имзоланади.

3.3 Етказиб берилган обуна нашрлари учун ҳақ тўлов топшириқномаси асосида пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

4. Шартноманинг бажарилиши

4.1 Хизматлар мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

4.3 Обуна нашрларини қабул қилиш топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалари бўйича мажбуриятлар берилган сана деб ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжагида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана кўрсатилган обуна хизматларига ҳақ тўлаш бўйича “Ташкилот” мажбуриятлари бажарилган сана деб ҳисобланади.

4.4 “Ташкилот” муддатлари бузилган ҳолда етказиб берилган обуна нашрларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 Агар етказиб берилган обуна нашрларининг даврийлиги, сифати, ассортименти стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати лозим даражада бўлмаган обуна нашрлари қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.2 Обуна нашрларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Ижрочи” “Ташкилот”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият берилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган обуна нашрлари қийматининг 20 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3 Етказиб берилган обуна нашрлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаган тақдирда “Ташкилот” “Ижрочи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган ҳар бир сумманинг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу тўланмаган сумманинг 20 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4 Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ қўлланилади.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1 Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, муस्ताқил равишда уларни судгача ўзаро келишув йўли билан ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2 Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожат қилишга ҳақлидирлар.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати

7.1 Мазкур шартнома мазкур шартноманинг охири бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган қундан бошлаб кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар 2022 йил 31-декабргача амал қилади.

7.2 Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8. Форс-мажор ҳолатлар

8.1 Сув тошқини, zilzila, табиий офатлар, томонларнинг фаолиятига доир Ҳукуматнинг тақиқловчи қарор, қонун ёки фармойишлар чиқиши, шунингдек, шартнома томонларнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган тарзда мажбуриятларини бажара олмасликлари форс-мажор ҳолат саналади. Шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги форс-мажор ҳолати туфайли келиб чиқиши узрли деб ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартнома бўйича келиб чиққан келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинади. Томонлар ўзаро келишишга эришмасалар, низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида Суд тартибида ҳал этилади.

9. Яқиний қондалар

9.1 Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тузилади ва томонларга бир нусхада берилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“ИЖРОЧИ”	“ТАШКИЛОТ”
<p>“NEWS UZ” МЧЖ</p> <p>Манзил: Нукус шаҳри, Амударья №64 ИНН 307 851 384 Х/Р : 2020 8000 9052 9642 2001 БАНК: Нац банк г.Нукус МФО: 00582 Тел 88 354 23 23 Директор _____ А.Бердимбетова (ИМЗО)</p>	<p>Қораузак тумани ирригация бўлими</p> <p>Манзил:Қораузак тумани, Қарақалпақстан кучаси №8 уй</p> <p>Х/Р: 234020003001000001010 Ғазна Х/Р: 100022860352117042402170001 ИНН:201122919, ИНН 207263098 Банк номи: Тошкент шаҳри Марказий банк МФО 00014 тел / факс 61 465-44-98 Раҳбар _____ Б.Қосыбаев (Ф.И.Ш) (ИМЗО)</p> 